



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (13.944)

Баҳоси эркин нарҳда

ЭНЕРГЕТИКА ВА КИМЁ СОҲАЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари ижросини янада жадаллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Ушбу соҳалар саноат ва тадбиркорлик ривожини, аҳоли турмуш даражасига асос бўлиши билан жуда муҳимдир. Шу боис мазкур тармоқларда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилда 2 миллиард 730 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобига нефть-газ соҳасида 16 та, 850 миллион доллар эвазига кимё тармоғида 17 та, 1 миллиард доллардан зиёд маблаг воситасида электр энергетикаси бўйича 28 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Йиғилишда ушбу лойиҳалар муҳокама қилиниб, уларнинг ижроси бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди.

Давлатимиз раҳбари энергия ресурслари ишлаб чиқарувчи, таксимловчи ва етказиб берувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, углеводородлар қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тўрақўрғон, Навоий, Тахиятош иссиқлик электр станцияларида олиб борилаётган қурилиш ва модернизация ишларини тезроқ якунлаб, бу йил фойдаланишга топшириш, Тошкент ва Сурхон-

дарё вилоятларида замонавий буг-газ қурилмаларини ўрнатиш бўйича ишларни жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини янада кенг жорий этиш кераклиги қайд этилди.

“Навоийазот” акциядорлик жамиятида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол, Жиззах пластмасса заводида тўқимачилик соҳаси учун кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқариш лойиҳаларини фойдаланишга топшириш, Янгийер шаҳрида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш лойиҳаси ижросини жадаллаштириш бўйича вазифалар қўйилди.

– Иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширувчи ушбу тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш керак. Бу бошқа турдош ва ёндош соҳалар ривожини ҳам таъминлаб, кўплаб иш жойлари яратди, – деди Президент.

Йиғилишда нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларида йил якунида қўйилаётган натижалар ҳамда келгуси йилга мўлжалланган режалар қўриб чиқилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали сўзлашди.

Президентлар жорий йил 14-15 июнь кунлари Бишкек ва Душанбе шаҳарларида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммити якунлари юзасидан фикр алмашдилар.

Сўхбатда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида устувор лойиҳа ва дастурларни, жумладан, жорий йил 30 май кун

и Урганч шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи мажлисида эришилган келишувларни амалга ошириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликка доир долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

ЎЗА

ИННОВАЦИЯЛАР ВА БОШҚАРУВГА ОИД ИШЛАНМАЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигида БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмаги билан Инновациялар ва бошқарувга оид ишланмалар лабораторияси ташкил этилди.

Вазирликдан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимизда ислохотлар, институционал-ҳуқуқий муҳитда ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда давлат бошқарувининг юқори органлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг ўз фаолиятларини экспорт-таъхиллий қўллаб-қувватлашга бўлган эътиёж сезиларли даражада ошди. Биринчи навбатда, иқтисодий, сиёсий, институционал, ижтимоий, психологик, экологик ва бошқа соҳалардаги тадқиқот усулларини ўзида бирлаштирган кросс-секторал ва кросс-интизом тадқиқотларига бўлган талаб кўчайди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновациялар ва бошқарувга оид ишланмалар лабораторияси мувофиқлаштирувчиси Саломат Йўлдошевнинг сўзларига кўра, ушбу лаборатория иқтисодлашган тармоқларга тадқиқотларни олиб бориш ҳамда давлат бошқарувида инновацион гояларни тегишли ўн платформа яратиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Янги лаборатория инновацион ёндашувлар, услублар ва ишланмаларни ўрганиш, синовдан ўтказиш ва уларни давлат бошқаруви тизимига таътиқ этиш билан шуғулланади. Унинг фаолияти бошқарув ечимлари-

ни режалаштириш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, давлат хизматчиларининг бошқарув инновациялари соҳасидаги ваколатларини ривожлантириш жараёнари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Лаборатория зиммасига қатор стратегик вазифалар қўйилган. Хусусан, у 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга хизмат қилади. Ана шу мақсадда унинг негизда маъмурий ислохотлар, давлат бошқарувида инновацион ёндашувлар ва усулларни жорий қилиш, долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш каби соҳалардаги амалий тадқиқотлар натижалари синовдан ўтказилди. Лабораторияда илғор рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда, давлат хизматлари кўрсатиш тизими, маъмурий таъминлар ва идоралараро ҳамкорликни ўзгартириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, лаборатория ходимлари инновацион бошқарув услублари, жумладан, дизайн-фикрлаш, ахлоқ психологиясини синовдан ўтказиш мақсадида ижтимоий сўровлар ва эмпирик тадқиқотлар ўтказиши.

Роман БОНДАРЧУК



ТАНЛАГАН КАСБИМДАН ҒУРУРЛАНАМАН

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ёш офицерларнинг битирувига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

...Тадбир ҳали бошланмаган, лекин қўлида гул тутган, бир-бирини табассум билан қўлаётган томошабинлар – битирувчиларнинг ота-оналари, яқинлари аллақачон ўзлари учун ажратилган ўринларда.

Сал нарида саф торта бошлаган офицерлар орасидан ўғлини нигоҳлари билан сабрсизгина қидираётган она, акасига осмон-осмон ғурур билан тикилиб турган сингил, “ана, тоғамни кўрдим”, деб севинганча чапак чалаётган ҳарбийча либосдаги болакай...

– Биз Бекобод шаҳридан келдик, – дейди Нурмамат Тўйчиев. – Кенжамиз Жасуржоннинг ҳаёт йўлидаги унутилмас кунда оилавий ёнида бўлайлик, хурсандчилигини бирга баҳам кўришни ният қилгандик. Онаси билан уч ўғилни катта қилдик, ҳудоба шукр, болаларимизнинг ҳаммаси ўз йўлини топди. Ўғлинг ватанимга хизмат қиламан, деб кўксини қалқон қилиб турганини кўришнинг бахти ўзгача бўлар экан.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондонининг бирин-

чи ўринбосари, генерал-майор Б.Турсунов ва бошқалар мазкур таълим даргоҳида таълим олувчилар учун замонавий шароитлар яратилгани, малакали мутахассислар фаолият олиб бораётганини таъкидлади. Битирувчилар ҳарбий, ҳуқуқий, ижтимоий ва махсус фанлардан чуқур билим олгани, амалий кўникмаларга эга бўлгани қайд этилди.

– Бугун бизга Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти битириганимиз тўғрисида диплом ва кўкрак нишони тантанали топширилди, – дейди лейтенант Улуғбек Муҳаммедов. – Билдирилган бундай ишонч бизга катта масъулият юклайди. Институтида олган билим ва кўникмаларимизни келгусида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида сарф қилишга ваъда берамиз. Мазкур тадбирда иштирок этган ота-онамнинг хурсандчилигини қўриб, уларнинг дуоларини эшитиб, шундай касбни танлаганимдан яна бир бор ғурурландим. Ота-онасининг розилигини олган, уларнинг шодлинишига сабаб бўладиган йўлдан юрган фарзанд эканимдан бахтиёрман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бадийи жамоасининг концерт дастури намойиш этилди.

Икром АВВАЛБОВЕВ

“ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ МДҲ ДОСААФ ИТТИФОҚИ АЪЗОСИГА АЙЛАНДИ

Россия Федерацияси Армия, авиация ва флотта кўмаклашувчи кўнгиллилар жамияти ташкилоти вакиллари ўтган ҳафтада Тошкентда бўлди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгашида бўлган учрашувда ташкилот раиси Рустам Ниёзов, Россия Федерацияси Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгиллилар жамияти раиси Александр Колмаков икки томонлама яқин ҳамкорлик алоқалари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида

тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларини омдалаштиришга хизмат қилаётганини алоҳида қайд этди.

Учрашувда “Ватанпарвар” ташкилоти ҳамда ДОСААФ ўртасида меморандум имзоланди. “Ватанпарвар” ташкилотининг МДХ ДОСААФ иттифоқига аъзо бўлиши юзасидан мурожаати тақдим этилди.

Таъкидлаш жоиз, айни пайтда МДХ ДОСААФ ташкилотига Россия, Украина, Беларусь, Озарбайжон, Арманистон, Қозғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон давлатлари аъзо.

Тадбир доирасида меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Отабек ЭШМАМАТОВ

2019 йил 18 июнь, СЕШАНБА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Бадийи академияси ҳамда Фаргона вилояти ҳокимлиги томонидан ҳар икки йилда бир марта Қўқон шаҳрида Халқаро хунармандчилик фестивали ўтказилади. Фестивалда юзга яқин давлатлардан меҳмонлар иштирок этиши кутилмоқда. Ташриф буюрадиган хорижлик сайёҳлар учун янги туристик йўналиш ишлаб чиқилмоқда, бунда хунармандчилик маҳсулотларини тарғиб этишга муҳим эътибор қаратилади. Шу мақсадда хунармандчилик маркази барпо этилмоқда, 12 маданий мерос объектида эса таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

● Поп туманида ўтказилган сайёр қабулда Наманган вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров 33 мурожаатни жойида ҳал қилди. Аҳоли билан доимий мулоқотни давом эттириш, одамларнинг дардини эшитиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш мақсадида ташкил этилган мулоқотда сектор раҳбарлари, вилоят бошқарма ва идоралари, шаҳар ва туман маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи ташкилот ҳамда корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

● Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг Шахрисабз филиаллари ташкил этилди. Филиалларда ўқув жараёни 2019/2020 ўқув йилидан бошланади ҳамда талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда ҳар йили тасдиқланадиган республика ОТМларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

● Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида юртимизда “Архив иши тўғрисида”ги Қонун Президент томонидан имзоланганлигининг 9 йиллиги муносабати билан республика ёш архивчилар форуми ўтказилди. “Ўзархив” агентлиги ва Қашқадарё вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юздан зиёд ёшлар, архив иши соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар қатнашди.

ЖАҲОНДА

● Гана хавфсизлик кучлари томонидан жангарилар ўғирлаб кетган халқаро хайрия ташкилотига фаолият кўрсатувчи 19 ва 20 ёшли канадалик икки нафар аёл қутқариб олинди. Бу ҳақда мамлакат ахборот вазири маълум қилди. Ҳозирда Канада фуқароларини ўз ватанларига қайтариш юзасидан тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

● Италиянинг Сардиния ороли чигирткалар хуружидан катта зарар кўрди. Ушбу еб тўймас ҳашаротлар қуюндай ёпирилиб, уч ярим минг гектар майдондаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шип-шийдон қилишди. Ҳозирда чигирткаларнинг бошқа ҳудудларга тарқалишининг олдини олиш юзасидан саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

ҚИСКА САТРАПДА

● “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий автобус бекатларида LED русумли таблолар фаолияти қайта йўлга қўйилди.

● Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат тест маркази мутасаддилари иштирокида “Давлат тест маркази томонидан саволларни шакллантириш механизми ва олий ўқув юртларида абитурientларни сифатли қабул қилинишини таъминлаш” мавзусида брифинг ўтказилди.

● Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Тошкент шаҳридаги Ниҳа университети ҳамкорлигида “Digital Generation Camp” лойиҳаси ишга туширилди.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШДА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Таҳлилларга кўра, бир неча йиллар олдин жаҳон бўйича қуёш панеллари ёрдамида олинаётган умумий энергия миқдори 45 ГВтни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда ўрнатилган фотоэлектрик станциялар қуввати 700 ГВтдан ошиб кетди.

Шу маънода, мамлакатимизда экологик тоза энергия манбаларига асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиши ҳамда бунга маҳаллий ва хорижий сармоядорларни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистондаги Қуёш энергияси халқаро институти Хитой Халқ Республикасининг "Henen Suda Electric Vehicles Technology Co., Ltd." компанияси билан айнан шу муқобил манба асосида замонавий электромобиль технологияларини амалиётга татбиқ этиш лойиҳаси бўйича ҳамкорлик қилмоқда.

Бугун институтида маҳаллий ва хорижий экспертлар, мутахассислар иштирокида ташкил этилган семинар ушбу лойиҳанинг аҳамияти ва афзалликлари баёнланди. Унда юртимизда соҳа бўйича амалга оширилаётган халқаро ҳамкорликлар қуёш энергиясидан sanoatda фойдаланиш борасидаги юқори технологик ишланмаларни амалга ошириш, илгор ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар асосида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада қуёш энергияси имкониятларидан амалий фойдаланишга хизмат қилиши ҳақида сўз борди.

Бугунги семинардан асосий мақсад иштирокчиларни "Henen Suda Electric Vehicles Technology Co., Ltd." компанияси ютуқлари билан таништириш орқали уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва юртимизга татбиқ

этишдир, – деди Қуёш энергияси халқаро институти директори Нураддин Матчонов. – Дастлаб 2017 йил бу компания билан мамлакатимизда электромобиллар sanoatini ривожлантириш бўйича дастлабки ҳамкорлик меморандумини имзолашга эришган эдик. Ўтган вақт мобайнида бу борада компаниянинг фаолиятини ўргандик. Улар бизнинг иш жараёнимиз билан танишди. Бугун эса ҳамкорларимиз билан институтиимиз қoшида компанияга қарашли институт филиалини ташкил этиш бўйича келишувга эришдик. Албатта, замонавий электромобиль технологияларини жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилади.

Таъкидлаш керакки, Хитойнинг бу компанияси 2010 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда компания йилига 100 мингдан ортиқ электромобиль технологияларини ишлаб чиқариш қувватига эга. Семинарда ушбу компания бош директори Ли Фухога Қуёш энергияси халқаро институтининг фахрий доктори унвони берилди.

– Бундай эътирофдан бошим кўкка етди, – деди у. – Икки мамлакат ўртасида ҳамкорлигимиз янада юксалаверсин. Бугунги тадбирда делегация аъзолари таркибиде 5 нафар экспертими ҳам қатнашмоқда. Улар соҳага доир тажрибасини ўзбек мутахассислари билан ўртоқлашди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Миллий матбуот марказида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун банк томонидан кредитлар ажратилишини янада енгиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Иқтисодиёт

“ИПОТЕКА-БАНК” ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАҚДОШ

Анжуманда мазкур банкнинг мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, иқтисодий ютуқ ва ўзгаришларда “Ипотека-банк” АТБнинг ҳам ўзига хос муносиб ўрни борлиги алоҳида таъкидланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки мазкур банк бугунги кунда кичик бизнеснинг юртимиз иқтисодиётидаги ўрнини ҳисобга олиб, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этилишига, уларни молиялаштиришга белгиланган тартибда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, фаол иштирок этаётди.

– Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари юзасидан дастуруламал ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда, – дейди “Ипотека-банк” АТБнинг Аҳоли тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш дастурларини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи Санжар Муродов. – Аҳолининг тадбиркорликка бўлган эҳтиёжини ўрганиш ва уни янада оммалаштириш борасида жойларда тушунтириш ва тарғибот иш-

лари олиб борилмоқда. Имтиёзли кредитлар ажратиш юзасидан тадбиркорлар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Ушбу вазибалардан келиб чиқиб, бизнинг банкимизда ҳам бир қанча бўлимлар ташкил қилинди. Бўлимларга алоҳида мутахассислар жалб этилиб, мониторинг назорати кучайтирилди. Шунинг баробарида, банкимиз томонидан ўз оилавий бизнесини бошламоқчи ёки ривожлантириш истагида бўлган ёшлар ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Дарҳақиқат, “Ипотека-банк” АТБ томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ишлар республикамизнинг яқин ва олис худудларида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли тадбиркорлигини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, халқимизнинг тўқис ва фаровон ҳаётида ўзига хос бўлган қадам ҳисобланиб, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анжуман доирасида журналистларга кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда хорижий кредит линияларининг ўрни борасида ҳам керакли маълумотлар берилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

га замонавий технологияларни жорий этиш эса атиги 30-40 фоизни ташкил этмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг сифат даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди. Жумладан, ҳудудий назорат инспекциялари томонидан қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

– Объектлар қурилиши давомида ўтказилган назорат ишларига кўра, 325 ҳолат бўйича сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан тегишли чора кўрилди, – дейди Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Алишер Тўропов. – Шунингдек, 118 та пудратчи, 25 та бюрютмакчи, 16 та лойиҳа ташкилотига нисбатан маъмурий ҳужжатлар тайёрланиб, тегишлилиги бўйича маъмурий судларга юборилган. Ўрганишларимиз бўйича қурилиш ишларида сифат даражасини ошириш юзасидан бир қатор тақлифларни амалга ошириш лозим. Биринчи навбатда, қурилиш-пудрат ташкилотлари, техник ва муаллифлик назорати мутахассислари малакасини ошириш, замонавий сифатли қурилиш материаллари ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни ишлаб чиқиш керак.

Тадбирда мутахассислар “ақлли шаҳар” технологияларини жорий этиш бўйича пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини муҳокама қилди. Депутатлар томонидан қурилиш индустриясини янада ривожлантириш, соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Абдулазиз МУСАЕВ

ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЛАБЛАРИ ОРТМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” давлат унитар корхонасида “Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфасини яхшилаш, қуриладиган ижтимоий объекتلари лойиҳалаштиришда инновацион ёндашувларни жорий этиш масалалари” мавзусида анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси, Қурилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбир шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини лойиҳалаштиришда инновацион ёндашувлар ва қурилиш сифатини таҳлил қилишга қаратилди.

Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Азамат Пардаев жойларда арзон уй-жойлар, турли маиший бинолар, маҳалла гузарлари янгидан бунёд этилаётган бўлса-да, тизимда ҳамон муаммолар мавжудлигини алоҳида қайд этди. Президентимизнинг 2018 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастурга кўра, жорий йилда қурилиш объектлари сони 2 минг 773 тани ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида прокуратура органларининг 2019 йил ўтган беш ойи давомидаги фаолияти натижаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Эркин Йўлдошев, матбуот хизмати раҳбари Сурвайё Раҳмонова ва бошқалар миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Таъкидланишича, давлат ҳокимиятининг халқ манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Фуқароларга бевосита таъсир қилиши мумкин бўлган давлат органларининг 15 минг қарори қонунга мувофиқлаштирилди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш ва олдини олиш алоҳида эътиборда. Бундай чоралар натижасида ўтган даврда жиноятчилик 30,4 фоизга камайган.

Прокуратура органлари томонидан 2019 йил 5 ойда жами 3 минг 497 жиноят иши кўзгатилган. Шундан 2 минг 462 жиноят иши тамомланган. Бу жараёнда 2 минг 881 нафар шахсга нисбатан 1 минг 844 жиноят иши судга юборилган. 136 қотиллик жинояти содир этилган. Бу ўтган йилга нисбатан 27,6 фоизга камайган.

Анжуманда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалий ишлар олиб боришга таъкидланди. Жорий йилнинг ўтган даврида жами 417 нафар турли тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан 420 жиноят иши кўзгатилган. Жиноятии фoш қилинган мансабдор шахсларнинг 5 нафари республика, 17 нафари вилоят ва 262 нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келган.

Депутатлар соҳадаги янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмларини соддалаштириш, бунда илгор хорижий тажрибаларни қийсий таҳлил қилиш лозимлиги юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мамлакатимизга туристларни ва инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида амалга оширилаётган “ақлли шаҳар” лойиҳасининг аҳамияти, кўп қаватли уй-жойларни лойиҳалаштириш, уни замонавий дастурлар асосида янги қурилиш материаллари ва жиҳозлари билан қуриш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Лойиҳаларни такомиллаштириш ва шаҳарсозликка оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қурилиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш талаблари бўйича сўз юритилди. Жумладан, бугунги кунда 330 дан ортиқ шаҳарсозлик норма ва қоидалари, 128 та давлат стандарти мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги замон талабига жавоб бермайди. Шунингдек, 1 минг 200 та шаҳар, аҳоли яшаш пункти бош режасининг 60 фоизини қайта ишлаб чиқиш лозим. Қурилиш соҳаси-

ролик, маъмурий ишлар бўйича суд амалиётда ҳам кузатишган.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижросини таъминлаш борасида прокуратура органлари 888 текшириш ўтказган. Бу жараёнда 4 минг 471 прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Натижада 5 минг 204 нафар мансабдор

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЎТГАН БЕШ ОЙДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ?

ёнида ушбу зарарнинг 25 миллиард 160 миллион 870 минг сўми ёки 70,5 фоизи ундирилган.

Тадбирда судларда кўрилатган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2019 йилнинг 5 ойда 16 мингдан зиёд шахсга нисбатан жиноят ишлари кўриб чиқилган. 9 минг 604 жиноят иши бўйича айблов ҳукми чиқарилган. 259 нафар шахс айбсиз, деб топилиб, оқланган. Шундан 73 нафар шахс бевосита прокуратура органлари ташаббуси билан реабилитация қилиниб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Прокурорларнинг протестига асосан 693 ноқонуний суд қарори ўзгартirilган ёки бекор қилинган. Бундай ҳолатлар иқтисодий, фуқа-

шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. Қўпол қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан 18 жиноят иши кўзгатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуни ижроси ўрганилган. 3 мингдан зиёд етим ва ота-она қаровисиз қолган бола аниқланган. Ўрганиш натижасига кўра, 701 прокурор назорати ҳужжати қўлланилган. Шу туфайли 265 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, 2 жиноят иши кўзгатилган.

Тадбирда прокуратура органларига қарийб 220 минг муносабат тушгани қайд этилди. Уларнинг 62,8 фоизи бевосита прокуратура органларида ҳал этилган.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Олий Мажлис Сенатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Унда Идоралараро комиссия, парламент аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, вазирлик ва идоралар вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, коррупция жамиятни турли йўللار билан ўз исканжасига оладиган, демократия ва қонун устуворлиги асосларига путур етказадиган, инсон ҳуқуқлари бузилишига, бозорлар фаолиятининг издан чиқишига олиб келадиган ва шу тариқа тараққиётни орта сурадиган иллат ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили дунё иқтисодиёти коррупция иллатидан 2,6 триллион АҚШ доллари миқдоридан зарар кўради. Бу жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 5 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясига ҳамда 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул режасига қўшилди. 2017 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани эса, жамиятда ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашишда муҳим қадамлардан бири бўлди. Жорий йилда Олий Мажлис палаталарида коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган қўмиталар ташкил этилгани ушбу соҳада самарали парламент назоратини таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини назарда тутадиган Фармонида эса бу борада зарур сазй-ҳаракатларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари белгиланди. 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ва Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди. Бундан ташқари, қонунчиликни таҳлил қилиш, коррупцияга шароит яратадиган қоида ва нормаларни аниқлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисида қайд этилганидек, ушбу иллатнинг фақат оқибатлари билан курашиш ҳеч қандай самара бермайди. Шу боис коррупцияга олиб келадиган ҳар қандай сабаб ва шароитни таг-томири билан йўқ қилишга барча куч ҳамда имкониятлар сафарбар этилиши шарт.

Шу билан бирга, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идораларининг тегишли бўлинмалари томонидан бевосита аниқланадиган, яъни фақат уларнинг сазй-ҳаракатлари натижасида фoш этилиши мумкин бўлган жиноятларни, шу жумладан, мансаб билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир давлат идораси соҳадаги тегишли хавф-хатарларни инобатга олиб, Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ўзининг идоравий дастурини тасдиқлаши зарурлиги қайд этилди.

Мажлисида барча давлат органлари ва ташкилотлари идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички комиссиялар ишини фаоллаштириш лозимлиги, бунинг учун шахсан раҳбар жавобгар эканлигига ургу берилди. Зеро, соҳада ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шарт-шароитларини таг-томири билан йўқ қилиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламагани ва тегишли баҳо бермагани, шунингдек, жиноятларни тақдоран содир этиш ҳолатларига йўл қўйгани учун шахсан жавобгар бўлиши хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда қайд этилганидек, 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида капитал қурилиш ва олий таълим тизимларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалга оширилади. Унинг доирасида тўрачилик ва қорғозболлик билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этиш, қонунийликни мустаҳкамлаш каби барча жараёнлар адолатли ва шаффоф тарзда бўлишига эришиш назарда тутилган.

Мажлисида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди. Унга кўра, Идоралараро комиссиянинг чора-тадбирлар режаси, “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар, Комиссия ҳузуридаги Эксперт гуруҳи таркиби ва Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилишга қаратилган медиа-режа тасдиқланди.

Нурилло НАСРИЕВ

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) иштирокида “Баркамол” болалар соғломлаштириш оромгоҳида тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбирда кўзланган мақсад аҳолининг, шу жумладан ўғил-қизларнинг Ўзбекистонда болалар меҳнатига йўл қўймаслик масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан ҳабардорлик даражасини янада ошириш, ҳудди шу мақсадда олиб борилаётган тизимли саъй-ҳаракатларни кенг жамоатчиликка, шу жумладан жаҳон ҳамжамиятига етказишдир.

Тадбир доирасида Касаба уюшмалари Федерацияси ва ХМТ мутахассислари томонидан турли ёшдаги болажонларга Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунини моҳияти интерактив усуллар орқали тушунириб берилди. Хусусан, Касаба уюшмалари Федерациясининг вакиллари томонидан иштирокчиларга қишлоқ ҳўжалигида меҳнат муҳофазаси ишлари ҳамда мамлакатимизда бола ҳўқуқларининг таъминланиши тўғрисидаги слайд ва роликлар ёрдамида батафсил маълумотлар берилиб, мавзу оид қатор танлов ва викториналар ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг ташаббусига кўра ҳар йили 12 июнь барча давлатларда Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунини сифатида кенг нишонланади. Бу йил мазкур кўнга бағишланган тадбирлар “Болалар даладарда эмас, балки орзуларда ишлаши керак!” мавзусини қамраб олади.

Алоҳида фахр билан таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ушбу масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бола меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича Президентимиз ташаббуси билан давлат сиёсати доирасида Ўзбекистон Республикасида бола ҳўқуқларини ҳимоялашнинг кучли механизмларини янада ривожлантиришга, шунингдек, халқаро конвенцияларга мувофиқ миллий қонунчилик базаси ва ҳўқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қўлмали ишлар олиб боришмоқда. Натижада Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги Халқаро меҳнат ташкилоти экспертилари томонидан ҳам дунё миқёсида эътироф этилди.

Оромгоҳда ўтказилган тантанали тадбирда ҳам мазкур йўналишларда олиб борилаётган тизимли ишларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, жорий йилнинг 19 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш соҳаларидаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 муҳим ташаббус илгари сурилди ва бугунги кунда ушбу ташаббусларни ҳаётга таътиб этиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Ташкилотчилар томонидан қайд этилганидек, беш муҳим та-

шаббуснинг асосий йўналишларидан бири – жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни қўқорлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўбega чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишдир. Мазкур йўналишларда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам махсус тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

Тадбир доирасида болалар учун тайёрланган мавзули фильмлар ва роликлар ҳам намойиш этилди. Болалар ўртасида “Дунё болаларига бахт ва умид” мавзусида ташкил этилган расмлар, қўшиқ ва шеърлар танловлари, ўғил-қизлар билан бола ҳўқуқлари борасида ўтказилган викториналар Ўзбекистонда яшаётган болажонларнинг нақадар иқтидорли ва билимли бўлиб улғаяётгани, халқаро конвенциялар бўйича билимларга эга эканини намойён этди.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Президентимиз ташаббуси билан барча соҳаларда бирдек, хусусан, ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислохотлар халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимлар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиққани эътироф этилди. Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ўзбекистонда болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган самарали механизмлардан яна бири мамлакатимизда таълим билан бир қаторда болажонларни соғломлаштириш соҳасига кўрсатилаётган юксак эътибор ва унинг натижаларидир, — дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясини Матбуот хизмати раҳбари Мухаббат Ўрмонбекова. — Таъкидлаш ўринлики,

Ҳамкорлик



мазкур ноҳус ҳолатга йўл қўймаслик борасидаги муҳим профилактик усуллардан бири – болаларни ёзи соғломлаштириш йўналишидаги ишлар ҳисобланади. Мазкур жараён ҳар йили Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан мувофиқлаштириб келинмоқда. Жорий йилги соғломлаштириш мавсумида мамлакат миқёсида 1067 та болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг 224 таси стационар турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўлса, 843 таси соғломлаштириш майдончаларидир. Бу кўрсаткичлар жорий йилда фаолият кўрсатувчи стационар оромгоҳлар сони ўтган йилга нисбатан қарийб 20 тага кўпайганидан далолат беради. Ёз мавсуми давомида жами оромгоҳларда 310 минг нафарга яқин болажонлар соғломлаштирилди. Уларнинг 171 минг нафарга яқини стационар турдаги оромгоҳларга, 138 мингдан зиёди соғломлаштириш майдончаларига жалб этилди. Ушбу мақсадлар учун жами 91 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Тадбир доирасида ўтказилган танловлар давомида болажонлар ўз маҳоратларини намойён этиб, дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ва урушлар ҳамда бошқа зиддиятлар сабабли таълим олишдан маҳрум бўлган, оғир шартларда меҳнат қилишга мажбур болаларга ҳамдардликларини ўзлари чизган суратлар орқали билдирдилар.

Юзу кўзлари қулиб турган бахтиёр ўғил-қизлар мамлакатимизда барча болажонларнинг ўтақили билим олишлари, ҳар томонлама камолга этишлари, таътил даврида мароқли дам олишлари учун давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлардан мамнун эканликлари, Ўзбекистон ҳақиқий маънода бахтиёр болалар мамлакатини эканлигини ўз шеър ва қўшиқлари орқали ихор этдилар.

Танов голиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир сўнгига болажонлар бутун дунё болаларига эъзулик ва бахт тиладилар ҳамда дунё болаларининг урушсиз ва зиддиятларсиз ҳаётга бўлган умидлари тимсоли сифатида самога рангбаранг пуфаклар учирдилар.

Зиёда РАСУЛОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Таълим

БИТИРУВЧИЛАР ЙЎЛЛАММА БИЛАН ИШГА ЮБОРИЛАДИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ўтказилган матбуот анжумани сув ҳўжалиги тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган анжуманда мазкур институтнинг раҳбарияти, соҳа мутахассислари ва битирувчилар қатнашди.

Матбуот анжуманида сув ҳўжалиги вазирлиги ўринбосари Акмал Мирзаев тизимни ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни йўлга қўйишда билимли ва ташаббускор кадрларга бўлган эҳтиёж юқори эканини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бугунги кунда вазирлик тизимига 280 та бюджет, 72 та ҳўжалик ҳисобидига ташкилот бириктирилган. Уларда қарийб 40 минг нафар мутахассис-ҳодим фаолият юритмоқда. Жами ҳодимларнинг 7 минг 400 нафари олий маълумотли мутахассис, қолгани ўрта махсус ва ўрта маълумотлидир.

Тадбирда вазирлик номенклатурасидаги кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича йўлга қўйилган ишлар юзасидан маълумот берилди. Жумладан, 2018 йилда тизимдаги ташкилотларда ишлаётган 291 нафар раҳбар-ҳодимнинг малакаси оширилиб, уларга тегишли сертификатлар берилди. Вазирлик кадрлар бошқармаси томонидан институт ва унинг Бухоро филиалини охириги уч йилда тамомаган битирувчиларнинг маълумотлари базаси шакллантирилди. Шу асосда 300 га яқин ёш мутахассис жойларда ишга қабул қилинди.

Жорий йилда институтни давлат гранти асосида битираётган 200 нафардан ортиқ талаба сув ҳўжалиги вазирлигини йўлланмаси билан мазкур тизим қишлоқларига ишга юборилди. Улар камида 3 йил ишлаб бериши керак бўлиб, соҳада амалга оширилаётган иш жараёнини ўрганади. Аҳоли яшаш ҳудудларидан узоқда жойлашган объектларга ишга юборилганлар учун махсус шароит яратилади.

Анжуманда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳофазаси порталида Президентимизнинг “Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидagi бюджет ташкилотлари тизимини такомиллаштириш ва ҳодимлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг лойиҳаси жойлаштирилганлиги ва мазкур ҳўжат билан вазирлик тизимидagi бюджет ташкилотлари тизимини такомиллаштириш ва уларнинг штат жадвалидаги ҳодимларини 2019 йил 1 июлдан 10 фойза, 2020 йил 1 январдан яна 10 фойза мақбуллаштириш режалаштирилганлиги ҳам айтиб ўтилди. Бу орқали эса ҳодимларнинг ойлик маоши оширилиши кўзда тутилганлиги, штати қисқарган ҳодимларнинг бир қисми эса ҳудудий ташкилотлар тизимидagi ёрдамчи ҳўжаликларга ишга жалб қилинганлиги қайд этилди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидagi ўқув жараёнида сув ҳўжалиги учун малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича олиб бориладиган ишларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, сўнгги йилларда сув ҳўжалиги бўйича талаб қилинаётган айрим таълим йўналишлари қайтадан такомиллаштирилди. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб талаба қабул қилиш ирригация-мелиорация йўналишида 27 фойза, қишлоқ ҳўжалиги техникаси соҳасида эса 21 фойза кўпайди.

Тадбир доирасида тизимда ўқувратган муаммолар ҳам муҳофиза этилди. Тахсилларга кўра, 2019 — 2021 йиллар учун сув ҳўжалиги соҳасида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж ҳудудлар бўйича 4 минг 626 нафарни ташкил қилиб, айниқса, Қашқадарь ва Фарғона вилоятларида талаб юқори бўлмоқда. Шу тўғрисида келгусида вилоятлар учун давлат гранти асосида кадрлар тайёрлашни мақсадли режалаштириш мўлжалланмоқда.

Мулоҳаза, мунозара ва қизгин фикрларга бой тарзда ўтган анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Гулнигор САТТОРОВА

МУВАФФАҚИЯТ ВА САОДАТ КАЛИТИ

Китоб инсон учун муваффақият ва саодат калити, етук камол топишининг энг муҳим омилли ҳисобланади. Илм излаб, мунтазам муролаа билан шуғулланган одамнинг дунёқараши кенг, илмий, ахлоқий таълим-тарбияси юқори бўлади. Доимо тўғри йўлдан юради, яхшилик улашади, бошқаларни ҳам маънавиятга, маърифатга бўлишга қорлайди.

Айниқса, биз яшаётган асрда диний экстремизм, терроризм, гўйхандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, инсоният асрлар давомида амал қилиб келган миллий ва диний эътиқод, қадриятларга путур етказётган бир пайтда китобга бўлган эътиборни янада кучайтириш заруратини пайдо қилди.

Айниқса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, камол топиш, фаровон ҳаётини таъминлашда китобнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурган 5 муҳим ташаббуснинг тўртинчиси ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга қаратилган бежиз эмас. Бугун барча йўналишда тизимли ислохотлар олиб борилаётган бир пайтда ушбу соҳада ҳам тўб ўзгаришлар қилиш зарурати пайдо бўлди.

2006 йилнинг 20 ноябдаги “Республика аҳолисини ахборот-кўпубона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинган эди. Қарорда марказий кўпубоналар, барча таълим муассасалари ҳузурда Ахборот-ресурс марказларини тузиш ва унинг асосий вазифалари белгиланган, аҳоли, айниқса, ёшларга замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таъмин олиш, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, электрон базалар, интернет ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини яратиш кўзда тутилган эди.

Яқинда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий кенгашлари ва ундан сайланган депутатлар партия сайловлари Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги барча Ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ўрганади. Маълум бўлишича, АРМнинг аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермайди. Моддий-техник таъминоти қониқарсиз, ахборот технологиялари билан тўла таъминланмаган, мавжудларнинг фойдаланиш муддати анлақачон ўтаб бўлган. Бинолари таъмирталаб, ўқув хоналари тоғ, офис мебеллари эскирган, етишмади. Интернет тармоғига уланмаган. Малакали мутахассислар йўқ, янги адабиётлар билан таъминлаш даражаси ҳам қониқарсиз. Китоб фондини бойитиш ишларига ҳам етарли даражада маблағ ажратилмапти. Ажратилган маблағлардан ҳам самарали фойдаланилмапти.

Назорат-тахсил натижалари тегишли идораларга тақдим қилиниб, бир неча бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан муҳома қилиниб, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ҳўш, шундай шарт-шароитда аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш борасида белгиланган мақсадларга эришиб бўладими, бу йўналишда қилинаётган саъй-ҳаракатлар қутлиган самарани берадими? Албатта, йўқ.

Шу маънода, 2019 йилнинг 7 июнь кунини “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ахборот-кўпубона хизмати кўрсатиши янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарори ўз вақтида қабул қилинган билан аҳамиятлاردир.

Қарор юқорида кўрсатиб ўтилган муаммо ва камчи-

ликларни тез, самарали ечишга ҳўқуқий асос яратиб, китобхонларга хизмат кўрсатиш, фондарни тўлдирishi ва сақлаш, кўпубона жараёнларини автоматлаштириш, илмий-тадқиқот ва таъликий-услубий фаолият, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда рағбатлантириш, халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш борасидаги тизимли ишларни янги босқичга кўтарди.

Қарорга кўра, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳўна таълими муассасалари қошида фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказлари фаолияти тўғрисида. Аҳолига ахборот-кўпубона хизмати кўрсатишнинг сифат ҳисобидан янада яхшилаш мақсадида туман (шаҳар) ахборот-кўпубона марказлари ташкил қилинади.

Янги қарорда 2019–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кўпубона соҳасини ривожлантириш концепцияси, ахборот-кўпубона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига тушадиган маблағларнинг икки фоизи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кўпубонаси — ахборот-ресурс маркази ҳузурдаги бюджетдан ташқари Ахборот-кўпубона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратилди. Эндилкида Миллий кўпубона қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кўпубона марказлари ташкил этилади. Тўғрिताйилган ахборот-ресурс марказларининг китоб фонди ва штат бирикчалари янгидан ташкил қилинаётган туман (шаҳар) ахборот-кўпубона марказлари ихтиёрига берилди.

Қарорда Ахборот-кўпубона марказларининг асосий вазифалари белгиланди. Жумладан, марказ аҳолининг ижтимоий ҳўмога муҳтоқ қатламларига ҳам мустақил таълим олиш ва мулоқот доирасини кенгайтириш воситаси сифатида ахборотдан фойдаланиш имкониятларини яратиш, фойдаланувчиларга ҳар қандай (босма, мультимедиа ва рақамли) ташувиҳларда, шу жумладан, Интернет тармоғида сифатли ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини беради, ўз ахборот-ресурсларини яратиш ва уларни сифатли тўлдириб бериш орқали китобхонларга аънавий хизмат кўрсатиш усулидан уларни замонавий ахборот-кўпубона хизматлари билан таъминлашга ўтиш, масофадан хизматлар кўрсатишни ривожлантириш ва модернизация қилиш каби вазифаларини бажаради.

Ушбу қарор иқросини таъминлаш бўйича манфаатдор вазирлик ва идораларнинг асосий вазифалари белгиланди. Икки ой мўддатда қонун ҳўжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар қилиниб вазифаси юклатилди.

Қарорда ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ҳодимлар учун яна бир муҳим ағлиқ ўз аксини топди. Ҳар йили 21 май — Кўпубоначилар кунини сифатида нишонланадиган бўлди. Шунингдек, кўпубоначилар қўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кўпубона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирланади ва рағбатлантирилиб борилади.

Хироҷиддин ИБРАГИМОВ,
халқ депутатлари Сергели туман
Кенгаши депутати

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОФИСТОН ЙИЛИ: АБАДИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Тарихий илдиизи туташ, тутуми ва қарашлари ўхшаш, қадриятлари ҳамоҳанг ўзбек ва қозоқ халқининг дўстлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Кейинги йилларда, айниқса, маданий жабҳадаги алоқалар кенг қанот ёзди. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили ўтказилган эди. Ўша йили қўшни мамлакатда маданият, санъат, адабиёт, илм-фан, туризм ва бошқа соҳаларда 100 дан зиёд тадбирлар ўтказилди. Театр ва фольклор жамоалари, санъаткорлар, ёзувчи-шоирларнинг ижодий сафарлари уюштирилди. Олмаота шаҳрида ўзбек адабиёти кўнлари, Тараз, Чимкент, Қизилўрда, Туркистон шаҳарларида ўзбек киноси кўнлари бўлиб ўтди.

Қозоғистонда буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 мартдаги қарорига мувофиқ мамлакатимизда қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонов ижодий мероси кенг ўрганилмоқда.

Бу каби дўстлик тадбирларининг мантиқий давоми сифатида 2019 йил Ўзбекистонда Қозоғистон йили, деб эълон қилинди.

Маданий алоқаларимиз ривожини йўлида қўллаб тадбирларни амалга оширишни режалаштирганмиш. Қозоғистонлик дўстларимиз юртимизда ўтказилаётган халқаро фестиваллар, қўрик-танловларда фаол иштирок этмоқда. Бу йил биринчи марта Термизда бўлиб ўтган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида қозоғистонлик Улхан Бойбўсинова Гран-прини қўлга киритди.

Таълим соҳасида ҳам ўзига хос ҳамкорлик истиқболлари очилмоқда. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти билан Қозоғистон миллий санъат академияси ўртасида ўзаро келишув меморандуми имзоланди. Келажакда ҳар иккала таълим даргоҳида қўша кафедралар ташкил этиш ва кадрлар алмашувини йўлга қўйиш режамизда бор.

Яқинда Қозоғистон Республикаси Миллий музейининг Ўзбекистон давлат санъат музейида “Буюк дашт: тарих ва маданият” номли кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма доирасида мамлакатларимиз етакчи олимлари иштирокида илмий-амалий конференциялар ҳам ўтказилди.

Шу йил апрель ойида Чимкент шаҳар ўзбек драма театри томонидан саҳналаштирилган “Қашқир улиган тун” спектакли намойиш этилди. Қозоғистон Республикаси Давлат мукофоти совриндори Собит Дўсанов драмаси асосида ўзбекистонлик режиссёр Сайфиддин Мелиев томонидан саҳналаштирилган бу спектакл томошбинлар олқишига сазовор бўлди.

Май ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри саҳнасида Қозоғистоннинг “Салтанат” давлат рақс ансамбли концерт дастурини юртимиз санъат ихлосмандлари эътиборига тақдим этди.

Қозоғистон етакчи театр жамоаларининг республикамиз бўйлаб гастроль сафарлари ташкил этилиши режалаштирилган, Абай номидаги опера ва балет катта театри жамоасининг спектакллари, Қозоғистон Республикаси халқ артистлари Роза Римбаева, Мақпал Жунусованинг яккагон концертлари, фольклор жамоаларининг қиқишлари халқимизга намойиш этилади. Бу, албатта, халқларимиз дўстлик ришталари мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили кўтаринки руҳда ўтмоқда. Ранг-баранг концертлар, кўргазмалар, санъат байрамлари мамлакатимизда ҳукмрон тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва дўстлик муҳитининг рамизидир. Бу эса халқларимиз ўртасидаги дўстлик, қардошлик, қондошлик ришталарини тобора мустаҳкамлашга, аҳил-лигимиз, ҳамжиҳатлигимиз абадий бўлишига хизмат қилади.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири

ЁЗНИ “КАМАЛАК” БИЛАН

Сергели туманидаги “Ёрқин ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида юртбошимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлаш мақсадида тадбир ташкил этилди.

Болажонларимизнинг таътил вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларга эътиборни кучайтириш мақсадида Сергели туман “Камалак” болалар ташкилоти томонидан “Ёзни “Камалак” билан” лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирдан асосий мақсад Президентимиз илгари сурган 5 ташаббус яъни, болаларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилишдир.

Турли қизиқарли ўйинлар, шашка бўйича мусобақалар, расм чизиш бўйича танловлар иштирокчиларга манзур бўлди.

Ана шундай тадбирлардан яна бири Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яшнобод туман Кенгаши ҳамда туман маданият бўлими ҳамкорлигида “Уйсоғлар” маҳалласида ўтказилди.

Тадбир давомида сардорлар Кенгаши томонидан тайёрланган аjoyиб чиқишлар, қизиқарли ўйинлар орқали маҳалла болажонларининг қайфиятига қайғит қўшилди. Турли хил қизиқарли ўйинлар, куй-қўшиқлар барчага бирдек ёқди.

Гулҳаё ҲАСАНОВА



ЁШЛАР ФУТБОЛ ЛИГАСИ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Дунёда нима кўп, спорт турлари кўп. Лекин улар орасида футбол ўйини ўзининг жозибаси билан алоҳида ажралиб туради.

Футбол ўйинига бежиз миллионлар ўйини деб таъриф берилмаган. Чунки қўтилмаган вазиятларга бойлиги билан бошқа спорт турларидан ажралиб туради. Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан талаба-ўқувчилар ўртасида ҳам футбол турнирлари ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан илк бор умумий ўрта таълим мактаби ўқувчи-ёшлари ўртасида "Тошкент ёшлар футбол лигаси" ташкил этилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 муҳим ташаббус икросини таъминлаш мақсадида "Ёшлар ойлги" доирасида Яққасарой туманида жойлашган 26-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқувчи-ёшлари ўртасида ўтказилган "Тошкент ёшлар футбол лигаси" турнирининг финал босқичи ҳамда тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Турнирнинг финал босқичи ҳамда тақдирлаш маросимини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Жумабоев очиб берди. Ушбу лигада жами минтақавий босқичларда 960 дан ортиқ ёшлар иштирок этиб, шаҳар босқичида 250 нафар ўқувчи-ёш ўзаро ўртоқлик учрашувларини ўтказишди. Ўйинлардан хулоса қилишимиз мумкинки, мазкур лига соф

рақобат, чиройли голларга бой учрашувлар остида ўтди. Мазкур лига жорий йилнинг 9 апрель санасидан бошлаб шу йилнинг 11 июнь ойига қадар давом этди.

Лиганда Тошкент шаҳридаги барча туманлардан сараланиб шаҳар босқичига йўлланма олган 14 та умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари катнашди. Бугун голибликни кўлга киритиш учун майдонга Чилонзор ҳамда Шайхонтоҳур ёшлар жамоалари тўп сурди. Лиганда голиб бўлган Чилонзор туманининг 162-мактаб ўқувчиларидан иборат жамоа олтин медал ва кубок билан тақдирланди.

Иккинчи ўринни эгаллаган Шайхонтоҳур туманининг 157-мактаб ҳамда учинчи ўринга лойиқ қўрилган Миробод тумани 147-мактаб ва Сергели тумани 8-мактаб жамоалари ҳам иккинчи, учинчи даражали диплом, медаллар, эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Мазкур футбол лигаси ёшларимизда футболга бўлган қизиқишини орттиришига ишончимиз комил. Кейинги лигаларда 14 та жамоанинг ўрнига, 20 та жамоадан ташкил топган лигани ўтказиш режаси қўйилган.

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Тошкент шаҳар Кенгаши Матбуот хизмати**

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни кўнгилли равишда қон топиришига қақариш орқали бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишга қаратилган хайрия акциясини ўтказиш анъанага айланган.

БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, ДИЛБАНДИМ

Жумладан, партия "Хар бир болага меҳр-мурувват!" ойлги доирасида туркум хайрия акцияларини ўтказмоқда. Навбатдаги беғараз донорлик акцияси Тошкент шаҳридаги қон қуйиш марказида ташкил этилди. Унда турли касалликлар ёки бахтсиз ҳодисалар туфайли қон алмаштиришга муҳтож бемор болаларга ёрдам бериш, умидвор кўнгилларга малҳам бўлиш ҳамда уларнинг соғайиб кетишларига ҳисса қўишдек хайрли ва савобли ишга бел боғлаган уч юздан ортқ юртдошларимиз ихтиёрий равишда қон топиридилар.

Акцияда партия сиёсий Кенгаши марказий аппарати ходимлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари, "Аёллар қаноти" ва "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари ҳамда бошқа кўнгилли фуқаролар фаол иштирок этди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, турли фавқулодда вазиятларда аҳолига тезкор ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Партиянинг ушбу дастурий мақсадлари доирасида ташкил этилган донорлик акцияси давомидида 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, 55 килограмдан ошқ вазнага эга Ўзбекистон фуқаролари донор сифатида иштирок этишди. Тадбирда аёлларда гемоглабин даражаси 120, эркакларда эса 130 дан юқори бўлиши каби талабларга жавоб берадиган соғлом аёллар ҳар уч ойда, эркаклар икки ойда бир марта донорлик қилишлари мумкинлиги ва бир неча маротаба тиббий ҳамда

қон текширувдан ўтишлари лозимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, акцияда Гематология ва қон қуйилиши илмий-тадқиқот маркази мутахассислари томонидан иштирокчи донорларга қон топириш имкониятлари ҳамда хавфсизлиги, унинг бошқа инсонлар ҳаётига зарурлиги ва саломатлик учун фойдали жиҳатлари ҳақида тушунчалар берилди.

— Дарҳақиқат, қон бу — ҳаёт, инсон тирклигининг асосидир, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳманов. — Унинг қиймати дунёда ҳеч бир нарса билан тақослаб бўлмайди. Тиббиётда турли хил касалликлар, шунингдек, фавқулодда ҳароҳат олган инсонлар, айниқса, жажжи болажонлар кўп қон йўқотиши натижасида ҳаёти қил устида бўлиб қолади. Бундай беморларни малакали мутахассислар ҳаҳон андозаларига мос тажрибалар асосида даволаш баробарида донорларнинг беминнат ёрдамларига ҳам таянадилар. "Хар бир болага меҳр-мурувват!" шиори остидаги беғараз донорлик акцияси Тошкент шаҳридан ташқари шу куннинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидаги кўп тармоқли болалар шифохоналарида ҳам ушбоққлик билан ташкил этилиб, мингдан ортқ кўнгилли юртдошларимиз қон топиришди. Натижада юзлаб бемор болажонлар саломатлиги учун зарур бўлган тириклик манбаи тўланди.

Акция давомидида беғараз қон топирган донорларга партиянинг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топирилди.

"Бор меҳримиз сенга, болажон" беғараз донорлик акцияси республикаимиздаги олий таълим муассасалари ҳамда жамоат ташкилотларида давом эттирилди.

Зарина РУСТАМОВА

Кейинги пайтларда об-ҳавонинг кескин ўзгариши натижасида шахримизда икки марта дўл аралаш кучли сел ёғиб ўтди. Айни кунларда бир неча бор зилзила ҳам содир бўлди. Бейхитёр нега бундай ҳолат юз берди, авваллари ҳам шундай бўлган эдимиз? Юқоридаги каби ҳодисалар самога бевосита ёки билвосита боғлиқми деган саволларнинг тугилиши табиий.

Илм-фанда бу каби саволларга маълум жавоблар, шарҳлар бор. Қизиқарли само сир-асрорлардан боҳабар бўлиш имконияти мавжуд. Биз газетамизда бугундан бошлаб "Фалакиёт сирлари" номли янги рухн очиб, мана шундай қизиқарли мавзулар бўйича туркум мақолаларни бериб боришни йўлга қўйишни режалаштирдик. Бунда дас-тлаб чилла тақвими мавзусига мурожаат қиламиз.

Халқимизда йилнинг энг жазирама иссиқ ва изгирин совуқ кунлари "чилла" сўзи билан ифода этилади ва бу муддатлар ёз ва киш "чилласи" деб аталади. Бу тушунчанинг асоси "қирқ" сони билан боғлиқ анъанавий тушунчалари ташкил этади.

"Чилла" сўзи Марказий Осиёда яшовчи барча халқларда учрайди ва у умумий бўлиб кетган. "Чилла" сўзи келиб чиқиши жиҳатидан форсий лексема бўлиб, 40 сонини ифода этади. Чилла тушунчаси ўзбек тилида "қирқ", рус тилида "сорок", араб тилида эса "ар-басин" сўзлари билан ифода этилади. Марказий Осиё халқлари ҳаётида бу сон нафакат бевосита саноқ сони сифатида, балки мажозий маънода ҳам кенг қўлланилади. Жумладан "чилла" сўзи рус тилида "самый", лотин тилида "экстремаль" (ҳаддига етган, учига чиққан, бориб турган, огир аҳвол), ўзбек тилида эса "энг", "сара", "қалтис" ва шунингдек, камон ёйининг ипи маъноларини билдиради. Турли тиллардаги бу сўзлар рўй бераётган жараёндаги маълум бир муҳим ҳолатни ифода этади. Марказий Осиёда "чилла" сўзининг диний, этнографик ва тақвимий талқинлари мавжуд.

Маълумки, вақт, уни англаш, аниқлаш, ўлчаш ва сақлаш илм-фаннинг қадимий муаммоларидан. Хусусан, у тақвимларда ўз ифодасини топган.

Чилла тақвими ўз ҳисобини тош асрларида бошлаган. Минг йиллар давомида тақомиллаша бориб қорвадор ва деҳқонларнинг ишончи ҳамроҳига айланган. Унда Наврўз ва Меҳржон, ёз ва киш Чилла даврлари аниқ ифода этилган. Кўҳна ўтмишдан бизгача етиб келган Чилла тақвими куйидагича тузилган:

Чилла тақвими тасвири доиравий кўринишга эга. У икки ташқи халқа ва икки симметрик қисмдан ташкил топган. "Чилла тақвими" симметрик мутаносибликка эга. У бир-бирига мутаносиб икки қисмдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир ярим шар 7 бўлак (жами 14 та) ва 5 даврдан (жами 10 та) иборат. Агар ушбу тақвимий амалларнинг чизмасига назар ташласак, бу даврларнинг бири ёзга тааллуқли бўлса, иккинчи қисми кишки муддат

ифодаси эканлиги аён бўлади. Асосий давр муддатлари куйидагича:

1. Биринчи доиравий халқада амалдаги Григорий тақвими тасвирланган. Бунда 12 ойнинг ҳар бири 5 кунлик ораликларга ажратилган. 22 июнь ва 22 декабрь — Куёш туриш саналарида Куёшнинг рамзий белгиси тасвирланган.

2. Иккинчи Чилла доиравий халқа беш кунлик

Фалакиёт сирлари

ЧИЛЛА ТАҚВИМИ

ораликлар билан ажратилган нуқта тасвирларидан ташкил топган. Тақвимнинг ёз қисмида, икки жойда нуқта ораликлари 2 (ёзги ўтиш даври охирида) ва 3 (ёз даври охирида) кундан иборат. Бу ҳақда баҳорги ва кузги тенг кунлик, ёзги ва кишки Куёш туриши саналарида махсус аломатлар тасвирланган.

3. Чилла тақвими симметрик икки қисмнинг ҳар бири 7 бўлак ва даврга ажратилган. Уларнинг бошланиш ва тугаш саналари чизиклар билан тасвирланган. Бу икки симметрик қисмларда 40 га яқин ўзига хос саналар жо бўлган.

4. Чилла тақвимида йил ҳисоби баҳорги тенг кунликдан бошланади. У соат миллари бўйича ҳаракатланиб, яна ўзининг ҳисоб бошига қайтиб келади.

5. Чилла тақвимиининг икким доиравий халқалари саналари ва икки симметрик қисм бўлак ва даврлари чизма тасвирлар воситасида боғланган.

6. Кабисавий йилларда Григорий тақвими ва Чилла тақвими мутаносиблиги бузилмаслиги учун 28 февраль кетма-кет икки бор қайта саналади, яъни бу йилда икки кун бир сана билан белгиланади.


Чилла тақвимида фойдаланиш ниҳоятда осон. Масалан, Чилла тақвимида ёз чилласининг бошланиш ва тугаш саналарини аниқлаш

талаб қилинсин. Бунинг учун тасвирнинг ёз қисмида Чилла секторини топамиз. Секторнинг чап чегарасини ифода этувчи чизик йўналиши бўйича ҳаракатланиб, унинг Григорий тақвими билан кесишиш санасини топамиз. Бу 26 июнь санасига тўғри келади ва у ёз чилласининг бошланиш санаси бўлади. Энди чилла секторининг ўнг чегарасини ифода этувчи чизик йўналиши бўйича ҳаракатланиб, унинг Григорий тақвими билан кесишиш санасини топамиз. Бу 4 август санасига тўғри келади. Ва у ёз чилласи даврининг тугаш санаси бўлади. 26 июнь ва 4 август ораликлари Григорий тақвимида 40 кунни ташкил қилади ёки чилла доира халқасида 40 кунни ташкил этувчи саккизта 5 кунлик оралиқни қамраб олади. Чилла тақвими "чилла", "тўқсон", "юз кун", "ўтиш даври" давр қисмларидан ташкил топган. Шунингдек,

Ёз: Киш: 26.06 - 04.08 = 40 = Чилла = 40 = 26.12 - 03.02.
01.06 - 29.08 = 90 = Тўқсон = 90 = 01.12 - 28.02.
01.06 - 08.09 = 100 = Юз кун = 100 = 01.12 - 10.03.
01.06 - 21.09 = 113 = Деҳқон ҳисоби = 110 = 01.12 - 20.03
21.03 - 31.05 = 72 = Ўтиш даври = 70 = 22.09 - 30.11.
21.03 - 21.09 = 185 = 365 кун = 180 = 22.09 - 20.03.

Тропик йил 365,2422 кундан иборат. Йил ҳисобининг каср қисмини қамраб олган тақвим — кабисали тақвим ва агар йил ҳисобини каср қисми ҳисобга олинмаса — кабисасиз тақвим дейилади. Чилла тақвимида ана шу каср қисм ҳисобга олинмайди, чунки у Куёш турғунлиги кунларида йўқолади. Ёзги Куёш турғунлиги 22 июндан уч кун ўтгач ёз чилласи ва кишки Куёш турғунлиги 22 декабрдан уч кун ўтгач киш чилласи бошланади.

**Сайдбаҳром АЗИЗОВ,
фалакшунос**



ЕТАКЧИ ЖАМОАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Тошкент шаҳар Кенгаши ва Тошкент шаҳар ИИББ Пробация бошқармаси билан ҳамкорликда "Синовдан юксалишга қатъий қадам" шиори остида футбол чемпионати ташкил этилди.**

"Ёшлар ойлги" доирасида ташкил этилган тадбир Тошкент шаҳар ИИББ Пробация бўлими туман ИИО гуруҳлари ҳисобида туриб, озолиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаб келаётган 18 дан 30 гача бўлган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, шунингдек, уларни ижтимоий муҳитга мослаштириш, келажака бўлган ишончини ошириш ҳамда назорат остидаги шахслар билан ИИО ходимлари ўртасида ўзаро ижобий муносабатни шакллантириш мақсадида ўтказилди. Мазкур мусобақа Тошкент шаҳрининг барча туманларидан пробация гуруҳи ҳисобида туриб жазо муддатини ўтаётган ёшлардан тузилган 11 та жамоа ҳамда ИИО ходимларидан тузилган битта жамоа иштирок этди.

"Оқ-тепа" стадионида бўлиб ўтган футбол мусобақасининг финал босқичида Юнусобод ва Бектемир туманлари ёшларидан иборат жамоа куч синашди. Мурасасиз кечган беллашувда Бектемир туман ёшларининг қўллари балинд келди. Яшнобод ва Сергели туманлари учинчи ўрин учун майдонда куч синашдилар. Голларга бой ўйинда 5:2 ҳисобида Яшнобод жамоаси муносиб тарзда кучли уталикка кирди.

Тадбир сўнггида футболчилар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан эсдалик совғалари, дипломлар, медаллар ва кубок билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Реклама ва эълонлар

Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 4 апрелдаги 596769-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган Яшнобод тумани, Авиасозлар 4-мавзе, 66-й манзилида жойлашган "TELECOM CONTACT" масъулияти чекланган жамияти 11.06.2019 йилдаги 1-сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Кредиторлар ва дебититорлар даъволари 2 ой муддатда +99897 440-14-50 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент давлат техника университети томонидан 2001 йилда Демидов Андрей Анатольевич номига берилган В № 038494 рақамли бакалавр дипломининг иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳамза компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Умаралиев Фазлиддин Фуқат ўғли номига берилган К № 2246622 рақамли (21-руйхат рақамли) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"PSB Insurance" МЧЖ СК Самарқанд вилоят филиали томонидан 29.05.2019 йилда Гулямова Зебинисога берилган 00001199-сонли суғурта полиси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ташмухамедова Мунаввара Махметовна номига 2009 йил 30 июнда берилган № 50 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎзР Фанлар академияси С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёвий институтига 22.03.2011 йилда берилган институт объектнинг реестр рақами 9-141/2011 бўлган паспорти (гувоҳномаси) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2016 йилда Курбанов Алишер Хайрулла ўғли номига берилган К № 4462648 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2016 йилда Фазлиддинова Феруза Рахматилло қизи номига берилган К № 0278156 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Эзгулик 2-тор кўчаси, 9А-уй учун 27.12.1961 йилда ҳада қилувчи Анваров Исмаил томонидан фуқаро Юсупова Манзура номига расмийлаштирилган № 7418 реестр рақамли Ҳада шартномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор туман Танлов комиссияси 2019 йил 11 июнь кунин техник хатотик туфайли танлов эълон қилинган 280-сонли мактаб оқшоҳони танловда иштирок этмаслигини маълум қилади. Рўйхатда келтирилган қолган мактаб оқшоҳонарига танлов белгиланган муддатда бўлиб ўтади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 19 июнь кунин ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 19 июнда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г-646

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, қоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2024 нусхада босилди.
Қозғоғ бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға ёки «Тошкент почтамити»ға — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бощ мухаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топирилди: 15.33